

ЛУТФУЛЛА ОЛИМИЙНИНГ “ОЛИЯ” МАДРАСАСИДАГИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

ABOUT LUTFULLA OLIMI'S CREATIVE ACTIVITY AT THE “OLIYA” MADRASA

О ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛУТФУЛЛЫ ОЛИМИЙ В МЕДРЕСЕ “ОЛИЯ”

Йўлдашев Абдували Абдумуталибович

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос

илмий-тадқиқот институти, бўлим бошлиғи

e-mail: Dengiz-85@mail.ru

Tel: +998 97 770 21 99

Аннотация.

Мақола Туркистон жади́дчилик ҳаракатининг йирик вакили наманганлик Лутфулла Олимийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Унда Лутфулла Олимийнинг “Олия” мадрасасидаги таълими даврида матбуотда нашр қилинган мақолалари таҳлилга тортилган.

Аннотация.

Статья посвящена жизни и деятельности Лутфуллы Олими из Намангана, крупного представителя туркестанского джадидистского движения. В статье анализируются статьи Лутфуллы Олими, опубликованные в прессе в период его обучения в медресе «Олия».

Abstract.

The article is devoted to the life and work of Lutfulla Olimi from Namangan, a major representative of the Turkestan jadidist movement. It analyzes Lutfulla Olimi's articles published in the press during his studies at the "Oliya" madrasa.

Калим сўзлар.

жади́дчилик, Наманган, янги усул мактаби, “Олия” мадрасаси, “Шўро” журнали.

Ключевые слова.

джадидизм, Наманган, новая методическая школа, медресе «Олия», журнал «Шоро».

Key words.

jadidism, Namangan, new method school, "Oliya" madrasa, "Shuro" journal.

Туркистон жади́дчилик ҳаракатининг XX аср бошларидаги тараққий этишида наманганлик кўплаб жади́д намаоёнлари амалий фаолиятлари ва ғоялари билан ўз хиссаларини қўшганлар. Жади́дчилик ҳаракати масаласи кўтарилиб наманганлик жади́длар ҳақида сўз кетганда биринчи навбатда ҳар бир кишининг ҳаёлига Исҳоқхон тўра Иброт ва Муҳаммадшариф Сўфизоданинг номлари келади. Мустақиллик йилларида жади́дчилик

ҳаракатига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, бу борада кўплаб наманганлик жадиждлар ва уларнинг фаолиятига доир маълумотлар илмий муомалага киритилди. Бу тадқиқотларни ўрганиш орқали Наманганда жадиждчилик ҳаракати кенг тараққий этганлиги, ушбу ҳудудан кўплаб жадиждлар етишиб чиққанлиги аён бўлиб бормоқда. Уларнинг ҳаёти ва ижоди, фаолиятлари янги тадқиқотлар натижасида бойитилмоқда.

Ана шундай наманганлик жадижд зиёлиларидан бири Лутфулла Олимий ҳам ўзининг кенг кўламли фаолияти билан жадиждчилик ҳаракатида алоҳида из қолдирган. Лутфулла Олимийнинг педпгог ва журналистик фаолияти билан кўп тилга олинади. У 1893 йил Наманганда туғилган. Дастлаб отасининг кўлида савод чиқариб, Наманган ва Қўқондаги мактаб ва мадрасаларда таҳсил олган. Россия империясининг мустамлакаси остида бўлган Туркистоннинг озодлиги тараққиёти учун кураш, халқнинг ижтимоий турмушини яхшилаш, маданий ислохотлар йўлидаги ҳаракатлари унда ана шу даврлардан пайдо бўла бошлади. Миллий таълим муассасаларида таълим олиш билан бирга бир муддат рус-тузем мактабида ҳам ўқиган. Ўз даврида рус тилига бўлган эҳтиёж мавжуд бўлиб, ушбу тилни билиш фойдадан ҳоли бўлмаган. Жадижд зиёлилари ҳам XX аср бошларида рус тилининг билишликнинг аҳамиятлари борасида миллий матбуотдаги мақолаларида кўб бор баён қилганлар.

Лутфулла Олимий Қўқондаги таълимини тамомлаб Наманганга қайтгач наманганлик жадиждлар фаолиятида иштирок этиб ўзи ҳам 1914 йилда янги усул мактаби очиб муаллимлик қилади. Ўша даврда жадиждлар ўз ислохот ғояларини кенгайтириб матбуот нашр этишни, театрни йўлга қўйишни ҳамда янги усул мактабларини янада кенгайтириш, камбағал болаларни ўқитиш ва уларга муаллимлар тайёрлаш йўлида хайрия жамиятлари ташкил қилган эдилар. Бундай жамиятлар Туркистон минтақасининг кўплаб ҳудудларида ташкил этилган. Лутфулла Олимий жадиждларнинг ана шу соҳадаги фаолиятларида ҳам иштирок этади. Матбуотда ўз мақола ва шеърлари билан қатнашди. Бу орқали биз унинг лирик ижод билан шуғулланганлигини ҳам билишимиз мумкин. Унинг Тошкентда нашр этилган “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йилдаги 21-сонида чоп этилган “Миллатим” номли шеърини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу шеърда у миллатнинг фидойий фарзанди бўлишга, унга жону танини беришга тайёрлигини ифода этади ва илм-маърифатни тарғиб этади.

“Кеча-кундуз тилда зикримдур садой миллатим,

Хизматимдур бир танимда жон фидои миллатим”[7].

Жадиждчилик ҳаракати намоёндалари ёшларга таълим бериш билан бирга Туркистон учун миллий кадрлар тайёрлаш учун сармоядорлар билан бирга хайрия жамиятлари ташкил этиб, ушбу жамиятлар орқали ёшларни хориж мамлакатларига юборишни йўлга қўйдилар. Бу жараёнда айрим ёшлар ана шу жамият ёрдами билан, айримлари эса оиласининг ёрдами билан қўшни мамлакатлар ва хориж давлаъларига бориб таълим олдилар. Лутфулла Олимий ҳам ўз билмини ошириш мақсадида 1915 йил Уфадаги “Олия” мадрасасига боради. Бу мадраса 1906 йилда татар маърифатпарварларидан бўлган Зиё Камол (Зиёвуддин Жамолиддинович Камолиддинов) томонидан Уфада

ташқил этилган. Мадрасанинг дастлабки дарслари “Мулла Зариф” масжидида ўтилган. Мадрасага талабалар имтиҳон асосида қабул қилиниб, талабгорнинг ўқув ва билим савиясига қараб синфларга ажратилган. “Олия” мадрасаси ўша вақтдаги ислоҳ қилинган мадрасалардан хисобланган. Мадраса таълими 5 босқичли бўлиб, 2 таси бошланғич (тахзирийя) ва 3 таси олий (олия) синфларига бўлинган. Мадрасада диний фанлар билан бирга география, тарих, илми ашиё, ҳисоб, рус тили, кимё, ҳандаса, иқтисод, адабиёт каби йигирмага яқин фанлар ўқитилган[8, 31-39].

Туркистон талабалари 1908 йилдан бошлаб “Олия” мадрасасига бориб таълим ола бошлаган[6, 139]. Кейинги йилларда уларнинг сони ортиб борган. 1915 йилга келиб ушбу мадрасада кўплаб туркистонлик ёшларни кўриш мумкин бўлган. Лутфулла Олимий ҳам ана шу даврда мадрасада таҳсил олди. Мадрасадаги таълим ва яшаш учун сарф харажатлар ёшларнинг таҳсил олишида муаммолар туғдирган. Ўша даврда Россия империяси мустамлакаларининг сиёсий мавқеи ва ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар мадраса талабаларини бир-бирига яқинлаштирди. Уфа шаҳридаги “Олия” мадрасасининг туркистонлик талабалари ўзаро бирлашиб бир-бирларига моддий ва маънавий кўмак бериш учун 1917 йилда “Уфадаги туркистонлик ўқувчилар жамияти”ни туздилар[2, 5]. Жамият ўз “Низомнома”сига эга бўлган. Ушбу Низомнома: “Жамият мақсади”, “Жамият аъзолари”, “Умумий йиғилиш”, “Тафтиш комиссияси”, “Жамиятнинг шўъбалари ҳақида”, “Жамиятнинг молияси” каби бўлимларга бўлинган. Бу жамият туркистонлик талабаларнинг Уфадаги таълими жараёнида иқтисодий ва маданий фаолиятини йўлга қўйиш, юзага келадиган муаммолар ва қийинчиликларни биргаликда бартараф этишга қаратилган эди.

Лутфулла Олимий “Олия” мадрасасида таҳсил олиш билан бирга татар матбуотида ўз мақола ва шеърлари билан иштирок этган. Унинг мақола ва шеърлари Оренбургда нашр этилган “Шўро” журналида босилган.

“Шўро” журнали 1908 йилдан 1918 йилгача Оренбургда ҳар ойда икки маротаба чиқиб, жами 240 сон чоп этилган. Ҳажми 32 бет бўлган бу журналнинг муҳаррири Ризоуддин ибн Фаҳриддин журналнинг биринчи сонидида ушбу ҳаракатнинг мақсадини шундай изоҳлайди: ““Шўро” миллатни илмли маърифатли этмак ҳақида машварат мажалласи ўлароқ чиқади”[1,1]. Ушбу журналнинг 10 йил давомида нашр этилган 240 сонидида Туркистон ҳаётига оид 323 та мақола, хабар, ҳикоя ва суратлар босилган. Шундан мақолалар-138 та, хатлар-90 та, бадий асарлар-71 та, хабарлар-21 та, фотосуратлар-3 тани ташқил қилган. Журналдаги Туркистонга оид мақолалар тарих (38 та), таълим-тарбия (25 та), ижтимоий (23 та), дин (4 та), сиёсат (6 та), матбуот (13 та), адабиётшунослик (12 та), кабиларни қамраб олган”[3, 56].

Ана шу мақола ва шеърлар орасида Лутфулла Олимийнинг ижоди ҳам киритилган. У журналдаги мақолаларига “Лутфулла Олимий Намангоний “Олия” мадрасаси” имзоси билан нашр этилган. Лутфулла Олимий ўз мақола ва шеърларида Туркистондаги ижтимоий, маданий муаммоларга уларни ҳал этишга қаратилган ғояларини илгари сурган. Хусусан, “Шўро” журналининг 1915 йил 20-сонидида босилган “Турон қизларина”[5, 28-36] номли шеърида

Туркистон хотин-қизларини илм-маърифатга тарғиб қилганлигини кўрамиз. Куйида ушбу шеърнинг тўла матнини ҳавола этилади:

Ҳоним! Илм, фнун боғинда бошинг тождор улсун!
Йўлунг узра сочилсун ғунчалар зарлар насор улсун!
Миниб чиқсанг агар ҳаритинг “таёра” отина,
Жиловингда музаффарлик ёнингда чорёр улсун!
Танфис илалиг арфон ҳавосин бахт-ёр улсун!.
Ниқоб ҳусн астадодинг оч дунё қуёшина!
Онинг ҳусниндан олсун нурлар, кун тобдар улсун!
Агар рашк иласа ҳуснинг нурина ой юлдузлар,
Яна кўрсат закок нуруни одлар бимдар улсун!
Тушур ғафлат, жаҳолат чодирин маскаина! Бошингдан:
Маориф офтобин партуй сочингга ёр улсун!
Азир ҳаритинг ҳорут, морута фидо этма!
У....лар шу фискон зиндонда хор, зор улсун!
Чиқиб зуҳро сҳат ҳарит афкор самосина
Намоён айла фикринг ҳуснини ким ёйдор улсин!
Эсиз хоним! Юзунг, эсиз ул қобият Оҳ!!!
Олиҳи санга жабр, золм ойдинлар тор мор улсун!
Санга ҳолинг тарсад ила юр “лутфи” кузи доим
Даҳо айл: худойим дурбинмга мадор улсун!

Бундан ташқари Лутфулла Олимий “Олия” мадрасасидаги талабалик чоғидаги бир нечта мақолалари “Шўро” журналида нашр этилган. “Олия” мадрасасини тамомлаб Туркистонга қайтгач ҳам унинг фаолияти тўхтаб қолмади. У янги усул мактабларида таълим беришда давом этди. Туркистон жаҳидларининг ислохотчилик ғояларини амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қилди.

У Наманганда ташкил этилган “Намуна” мактабида 1918–1923 йилларда ўқитувчилик қилади. 1918 йили Наманган шаҳрининг Қўқон кўчасида Нуриддин афанди уйида “Турон” мактаби ташкил этилган. Л. Олимий ушбу мактабда ҳам муаллимлик қилган. Л. Олимий Гулҳаний ижодини ўрганган дастлабги ижодкорлардан бўлган. “Билм ўчоғи” журналининг 1923 йил сонида у ҳақида мақола ёзган. Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Нодирабегим фаолиятини ҳам ўрганган ҳолда у ҳақида ўз даври матбуотида мақола эълон қилган[4, 28-36].

Лутфулла Олимий шаҳар халқ маориф бўлими, маданий оқартув муассасида мудир, шаҳар ижроия кўмитасида 1924 йилда котиб бўлиб ишлаган. Айни пайтда “Нашри маориф” жамияти вилоят бўлимининг котиби (1921–1923) вазифасида ҳам фаолиятини олиб борган. Ўша вақтда бўлимнинг фаол ҳаракати билан халқдан ионалар йиғилиб Туркистон давлат университети, Боку ва Россиянинг марказий шаҳарларида ўқиётган туркистонлик ёшларга ёрдам сифатида юборилган.

Унинг кейинги фаолияти Қўқон шаҳрида кечган. У Қўқонга кўчиб бориб, 1930 йилга қадар “Фарғона” (“Янги Фарғона”) газетасида 1925–1927 йилларда муҳаррир ўринбосари ва 1928–1930 йиллари эса муҳаррир лавозимларида хизмат қилган. 1928 йилнинг 31 январида Ўзбекистон Марказий Ижрокуми Хайъати Раёсатининг йиғилишида Янги алифбе марказий комитасининг 47 кишилиқ таркибига Лутфулла Олимий ҳам киритилган. Бу унинг тил-имло борасида ўлка зиёлилари орасида юксак нуфузга эга эканлигини билдиради.

У ўлка осори-атиқаларини тўплаш, келгуси авлодга етказиш ишларида ҳам фаол бўлган. Бу ташаббус 1919 йилда Тошкентда ташкил этилган Абдурауф Фитрат бошчилигида тузилган “Чиғатой гурунги”да йўлга қўйилган эди. Лутфулла Олимий XX асрнинг 30-йиллари бошларида Абдурауф Фитрат билан биргаликда Наманган нусхаси деб юритилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари қўлёзмасини аниқлаб Тошкент кутубхонасининг Шарқ бўлимига топширилган[9].

Аммо Лутфулла Олимийнинг ватан тараққиётига садоқат билан хизмат қилиши совет ҳукумати томонидан муносиб баҳоланмади. Уни 1930 йили “Миллий иттиқод” ташкилотининг аъзоси сифатида қамоққа олинган. 1931 йилнинг 25 апрелида 18 кишини отишга ҳукм қилинади ва уларнинг 15 нафари отиб ташланади. Улар орасида Лутфулло Олимий ҳам бор эди. Кейин Олимийга нисбатан чиқарилган суд ҳукми 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилади.

Совет давлати бу билан чекланиб қолмади. Уни 1937 ва 1949 йилларда қайта қайта қатағон гирдобига тортди. Туғулиб ўсган ерига йўлатмади. 3-маротаба қатағон этилган миллат ойдини XX асрнинг 50-йилларидан кейингина қаттиқ тақибладан ҳоли бўлади. Аммо назорат мавжуд эди. Шу боис ҳам Л.Олимий умрининг кейинги даврини хўжалиқ ишларида ва боғбончиликда ўтказади.

Хулоса қилиб айтганда Лутфулла Олимийнинг фаолияти ва у қолдирган мерос орасида “Олия” мадрасасида ўқиб юрган вақтларида нашр эттирган мақолалари алоҳида қимматга эга. Унинг фаолияти ва асарларини кенгроқ тадқиқ этиш ва бугунги авлодга таништириб бориш олдимизда турган масалалардан ҳисобланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES)

1. “Шўро” журнали. 1908 йил. 10 июн. Биринчи сон. 1 бет.
2. Агзамхўжаев С. Бирлашмоқ маслагидаги толиблар // “Ёш куч” журнали. – 1991. – № 5.
3. Б. Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: “Маънавият”.
4. Лутфулла Олимий “Намангони”. “мадрасаи Олия”. Туркистон кизлари // “Шўро” журнали. 1915. №20.
5. Лутфулла Олимий. Нодира // “Билим ўчоғи” журнали. 1923. 2-сон.
6. Мўминжон Муҳаммаджон ўғли. Турмуш урунишлари. – Б.139.¹
7. Олимий Л. Миллатим // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914. №21.

8. Тузбекова Л.С. Медресе “Галия” – высшее мусульманское учебное заведение Башкортостана (1906-1919). – Уфа, 2007. – С. 31-39.

9. У. Долимов. Буюк шоир, олим ва жамоат арбоби // Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 30 сентябр.